

Бустон шаҳар

Бундан буён "БҲУОРТМАЧИ" деб аталувчи Элликкалтэ туман МТБ номидан Устав асосида фаолият олиб боровчи Ж.Балтаев бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи Хамро ОТА Ф/Х номидан Устав асосида фаолият олиб боровчи М Таджиева бир томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товар ва махсулотлар номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	Суммаси	К К С		Умумий қиймати
						Ставка	Сумма	
1	Олма	кг	500	8600	4300000	15%	645000	4945000
Жами					4300000		645000	4945000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси 4945000 (Тўрт миллион тўққиз юз кىрк беш) сўми ташкил қилади (КҚС билан ёки КҚС сиз). 645000 (Олти юз кىрк беш минг) сўм

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

- 2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдорда олинган тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 30 календар куни ичида қабул қилиш-топириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериш шарт.
- 2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.
- 2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 2.7. Етказиб берилган товар бевоқифа Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.
- 2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:
Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартномани шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;
Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомга кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;
Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:
- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш, - камчиликларни бегараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:
- мазкур шартномага мувофиқ тузилган шартнома бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нарҳда ва муддатда тўлаш.
- 3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:
- "Буюртмачидан" олинган тўлов ва етказиб берилган товарлар учун яқиний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
- Буюртмачидан жойлаштирилган шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:
- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 5 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.
- 3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.
- 3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

- 4.1. Буюртмачи:
- Товарларни ташлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига ташлаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорда, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоизи миқдорда жарима тўлайди.
Товарлар ташлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мажбуриятининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, ташлаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) товарлар қиймати тўлашнинг талаб қилишга ҳақлидир.
- 4.2. Ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тўртганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тўртган сумманинг 15 фоизи миқдорда жарима тўлайди.
Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 4.3. Етказиб берувчи:
- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужжат шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан ақсиз тартибда ундириб олинади.
- 4.4. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурийят қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ортиқ кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатда етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
- 4.5. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз қўли билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаш беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судга хал этиш чораларини кўрадилар.
5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевоқифа икътисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.
5.3. Томонлар икътисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даввогар жойлашган манзилдаги икътисодий судга кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

- 6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажарилмаслиқдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.
6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зиلزла, кўчки, бўрон, қургўкчилик ва бошқалар) ёки иқтисодий-икътисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзга келган шартларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўйилмаган ҳолатлар кирди.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол икки томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунилари билан тартибга солинади.

7.2 Мазкур шартномага киритилган барча узгартiriш ва қушимчалар ёзма шаклда тузилиши ва Тарфларнинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

7.3 Мазкур шартнома ҳар бир тарафга битта нусхадан, жами икки нусхала тузилади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома газначилик бўлимларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириди ва 2022 й. " 31 " Декабрьгача амал қилади.

8.2 Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугатилганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажаришдан ҳисобланади.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи
Ташкилот номи : «ХАМРО ОТА Ф/Х»
Манзил Бустан шаҳри
Телефон:
Факс:
Стир коди 202234699
Оқонх
Х/Р 20208000301525860001
Банк номи:Агро Банк
МФО 00646614
Раҳбар М Таджиева
МҮ



«Буюртмачи»
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Элликкаля туман МТБ.
Манзил:Бустан ш. Х.Дустлиги куча
Тел./факс 585-14-72
ш/х* 400522860352507091100251028
Банк номи
х/в**
МФО СТИР 207267646
ОҚОНХ 92310
Газначилик бўлимаси номи
Газна х/в Элликкаля тумани Газначилик бўлимаси
23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк тошкент ш
МФО 00014
газначилик бўлимаси СТИР 207267646
Раҳбар Файтаев
(давоним)



Юрист хулосаси:

Ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29-август кунги қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мос равишда тугри тузилган.

Юрист маслаҳатчи:

«Гасдиклайман»

Элликкалъа тумани Мактабгача

таълим булимиди мудири

Ж.Балтаев

« 29 » Январ 2022- йил

Элликкалъа туман Мактабгача таълим булимиди 2022 йил харажатлар сметасида бюджетдан ажратилган маблағни мақсадга мувофиқ харажат қилиш бундан тузилган конкурс комиссиясининг йиғилиш

БАЁННОМАСИ

Кун тартиби :

Элликкалъа туман Мактабгача таълим булимиди 2022 йил харажатлар сметасида бюджетдан ажратилган маблағга Мактабгача таълим булимига қарашли мактабгача таълим муассасаларини озик овкат маҳсулотлари ҳақида.

Комиссия раиси :

Ж.Балтаев Элликкалъа туман МТБ мудири.

Комиссия аъзолари :

У.Собиров МТБ бош ҳисобчиси.

М.Ҳакимбаев МТБ ҳужалик ишлари мудири.

М.Норимбетов ДХБ ҳисобчи.

З.Алламуратова МТБ озик овкат ҳисобчи

Тингланди.

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида Январ ойи учун белгиланган маблағдан мактабгача таълим булимига қарашли мактабгача таълим муассасаларини озик овкат маҳсулотлари сифатли ва етказиб бериши шарт эканлиги айтиб ўтилиб, озик овкат маҳсулотлари баҳоларини аниқлаш мақсадида қуйидаги « ХОМРО ОТА » Фермер ҳужалиги, Шарбат » маъсулияти чекланган жамияти ва «Дастанбек жура» маъсулияти чекланган жамиятилар тақдим қилган тижорат тақлифлари кўриб чиқилди. Элликкалъа туман Мактабгача таълим булими мудири Ж.Балтаев сўзга чиқиб, бу корхоналар ичинда « ХОМРО ОТА » Фермер ҳужалиги томонидан етказиб бериш учун қулай бўлган ҳудудларни инобатга олиб ва корхона томонидан сифатли маҳсулотлар бериш кафолатини олишини айтиб ўтди . Бу уч корхонанинг баҳолари қуйидагича аниқланди. Унга кўра қуйидаги Товар (иш хизмат)ва маҳсулотлар етказиб берувчилардан қуйидагича тақлифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаеси ва бошланғич суммаси	Мик дори	ХОМРО ОТА ФХ	Шарбат МЧЖ	Дастанбек жура МЧЖ
Ташкилот манзили:				Бустан Шаҳри	Бустан Шаҳри	Бустан Шаҳри
Ташкилот СТИРИ				204425894	202113398	307953637
1	Элликкалъа туман Мактабгача таълим булими			4945000	5000000	5400000
2	Маҳсулотларни етказиб бериш 30% утгандан			10 кун	15 кун	15 кун
ЖАМИ:				4945000	5000000	5400000

Алоҳида шартлар






Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади.

Комиссия раиси Ж.Балтаев сузга чикиб, бу корхоналар ичида «ХОМРО ОТА» Фермер хужалиги озик овкат махсулотларини сифатлиги ва етказиб бериш кулай булган худудларни инобатга олган холда айтиб утди.

Карор килади :

«ХОМРО ОТА» Фермер хужалиги сифатли, етказиб бериш кулай булган худудларни ва корхона томонидан кафолатни беришни инобатга олиниб, шу корхона билан шартнома тузилсин.

1. Ушбу озик овкат махсулотларини кабул килиб олиш МТБ хужалик мудирини Хакимбаев Мансурга юклатилсин.
2. Ушбу карорнинг бажарилишини ва маблағни пул утказиш йули билан амалга оширувни бош хисобчи У.Собировга юклатилсин.

Комиссия раиси :  Ж.Балтаев
Комиссия аъзолари :  У.Собиров
 М.Хакимбаев
 М.Норимбетов
 З.Алламуратова

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1.Loyihaning turi: Shartnoma №1

2.Loyihaning nomi:


Ellikkal'a tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi nomidan ustav asosida faoliyat olib boruvchi J.Baltayev bir tomondan va bundan buyon "YETKAZIB BERUVCHI" deb ataluvchi "Xamro Ota F/X" nomidan ustav asosida faoliyat olib boruvchi M.Tajieva bir tomondan mazkur shartnomani umumiy summasi 4945000 (To'rt millon to'qqiz yuz qirq besh ming) so'mni tashqil qiladi.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Ellikkal'a Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2021-yil 28-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga 2021-yil 28-yanvar kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi xamda 1998-yil 29-avgustdagi O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq deb hisoblayman.

Markaz boshlig'i:



A.Kadirov

28.01.2022y